



ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚНИНГ ОБЪЕКТИ

Миразова Шохиста Даврон қизи

Тошкент давлат юридик университети

4-босқич Хусусий ҳуқуқ факультети

А поток 1-гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5752444>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-noyabr 2021

Ma'qullandi: 25- noyabr 2021

Chop etildi: 30- noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

нақд пул, нақд пулсиз,
электрон пуллар,
электрон ҳамён, E-Gold,
PayAce, PayPal, CyberPlat,
StormPay, Яндекс Пуллар,
WebMoney, QIWI,
эмитент, ҳисобварақ,
квитанция.

Дунё XXI-асрга ҳуқуқий эмас, балки молиявий жамият даврида кирди. Энди шахсинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқи бўлмади, бунини билиш керак, тушуниш керак, бирор жойда бирор нарсани ўқиш ва еслаш керак. Электрон пуллар даврида кўпчилик қоидабузарликлар шунчаки имконсиз бўлади, чунки компьютер уларни ўтказиб юбормайди¹. Ҳозирги кунда ҳисоб – китоб тизимини такомиллаштириш, жаҳон андозалари

ANNOTATSIYA

Мақолада хориж элементи билан мураккаблашган муносабатларда алоқага киришадиган субъектларнинг узаро савдо муносабатлари, фан-техника ҳамкорлиги, дипломатик, маданий, туристик ва бошқа алоқалар юзасидан курсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ва х.к. учун ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишининг халқаро хусусий ҳуқуқдаги электрон пуллар орқали амалга оширилиши таҳлил қилинган. Халқаро тажриба ва илмий манбаларни урганиш асосида тегишли хулосалар шакллантирилган

даражасига кўтариш энг муҳим вазибалардан бири бўлиб турибди.

Халқаро ҳисоб-китобларда қатнашувчи **субъектлар** бўлиб, ҳукуматлар, давлат органлари, Марказий банклар, тижорат банклари, махсус молия-кредит ташкилотлари (Пенсия фондлари, суғурта компаниялари, кредит иттифоқлари, ломбардлар ва х.к.), корпорациялар, халқаро ва ҳудудий молия-кредит ташкилотлари (ХВФ, ЖТТБ, ЕТТБ, ОРБ ва х.к.) ҳисобланади².

¹ Интернет-портал Республики Беларусь [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://referat.np.by/reports/view-13271>. - Дата доступа: 23.03.2013.

²<http://distant.tsul.uz/course/view.php?id=123§ion=5>



Ҳисоб-китоб турлари деганда, биз уларнинг амалга оширилиш усулини, яъни пул маблағи қарздор қўлидан кредитор қўлига қандай усулларда ўтишини тушунамиз. Ҳисоб-китобнинг оширилиш усули, яъни тури ҳисоб-китоб муносабатлари субъектларининг статусига ёки тўлов амалга ошириладиган бошқа асосларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 790-моддасига асосан фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар **нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз** суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, қонун ҳисоб-китобларнинг 2 тури:

- Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни назарда тутати³.

Нақд пуллар билан ҳисоб-китоб қилиш – бу шундай ҳуқуқий муносабатки, унга асосан бир томон – «ҳақ тўловчи» маълум миқдордаги келишилган суммани олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва бошқалар учун иккинчи томон – «кредитор»нинг қўлига натура шаклида, яъни банк билетлари ва тангалар билан топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш – бу шундай пул мажбуриятики, бунга асосан бир томон – «ҳақ тўловчи» маълум миқдордаги суммани олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва бошқалар учун иккинчи томонга – «Кредитор»га кредит муассасалари орқали қонунда ёки банк иш одатида назарда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бирини қўллаган ҳолда ўтказиб беради⁴.

Бугунги замонда рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Рақамли технологиялар ижобий иқтисодий ўсишига замин яратади: маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ва ортиқча харажатларни камайтиради, ва яна бир муҳим афзаллик — коррупцияга чек қўяди. Электрон тижоратнинг ривожланиши тўловларни амалга оширишда молиявий институтларнинг воситачилигини талаб этмайдиган инновацион ва жозибадор тўлов воситаларининг жорий қилинишини тақозо этди. Бутун дунёда одамлар тобора кўпроқ нақд пулсиз тўловларни амалга оширишни афзал кўришади. 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган даврда нақд пулсиз усулда тўланган олди-сотди операцияларининг улуши ҳар йили 7,2% га ошган⁵.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда алоқага киришаётган субъектлар

³ <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-71464-1.html>

⁴ О.Бобоканд//“Ҳисоб китоб турлари ва уларнинг қўлланиш муаммолари”//

<https://uz.denemetr.com/docs/768/index-71464-1.html>

⁵ World Payments report 2011. Capgemini and The Royal Bank of Scotland plc (RBS).



нафақат савдо муносабатларига, балки савдо билан боғлиқ бўлмаган, фан-техника ҳамкорлиги, дипломатик, маданий, туристик ва бошқа алоқалар юзасидан ҳам кўрсатилган хизмат, бажарилган иш ва х.к. учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.

1918 йилда Қўшма Штатларда биринчи нақд пулсиз тўлов одатий телеграф ёрдамида амалга оширилди. Ушбу тадбир замонавий тўлов тизимларини яратиш ва ривожлантиришга тurtки бўлди. Электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон

Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни яратиб берди. Ушбу қонун жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, электрон пуллар тизими фаолиятини ташкил этиш, электрон пуллар муомаласи, электрон пуллар тизимида рискларни бошқариш ҳамда тизимда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди⁶.

Ушбу қонун асосида **“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари”** ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида 2020 йил 29 апрелда 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистонда бирқанча турдаги электрон пуллар тизими рўйхатга олинган

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Интернет-портал Республики Беларусь [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://referat.np.by/reports/view-13271>. - Дата доступа: 23.03.2013.
2. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3//Хашимова Д.П. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари. .E-mail: d.xashimova@tsue.uz.
3. World Payments report 2011. Capgemini and The Royal Bank of Scotland plc (RBS).
4. Ким Б. Эволюция электронных денег / Б. Ким // Ежедневная деловая газета РБК Daily. 2011. 08 августа.
5. О.Бобоканд//“Хисоб китоб турлари ва уларнинг қўлланиш муаммолари”// <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-71464-1.html>
6. <https://bankers.uz/yangiliklar/new-e-money-issuer>
7. <https://www.spot.uz/ru/2020/09/17/e-money/>
8. <https://finlit.uz/oz/articles/payments-and-transfers/online-wallet/>
9. https://cbu.uz/oz/press_center/news/268736
10. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/elektron_pullar_chiqarish_foydalanish_qoplash

⁶ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3//Хашимова Д.П. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан

фойдаланиш истиқболлари. .E-mail: d.xashimova@tsue.uz.



EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE

Innovative Academy Research Support Center

www.in-academy.uz

11. <https://kun.uz/news/2020/09/24/oz-bank-kartangiz-yoqmi-onlayn-tolovlar-uchun-payme-card-elektron-hamyonini-oching>
12. <http://distant.tsul.uz/course/view.php?id=123§ion=5>